ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

САМАРҚАНД ИҚТИСОДИЁТ ВА СЕРВИС ИНСТИТУТИ

САМАРҚАНД ИҚТИСОДИЁТ МАКТАБИ

МАМЛАКАТНИ МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШ ШАРОИТИДА ИҚТИСОДИЁТНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ

Республика анъанавий
илмий-амалий конференция

МАТЕРИАЛЛАРИ

(3-қисм)
(2012 йил 17 февраль)

САМАРҚАНД - 2012

Turdibekov Yu.I., Ikromov S.	G'oyalar – turizm taraqqiyotining asosiy omili……..	114
Турдибеков Ҳ.И, Саримсоқов О.Х.	Ходимларни баҳолашнинг самарадорлигини ошириш масалалари……..	117
Суюнов Р.А.	Қурилиш ташкилотларининг иқтисодий самарадорлигини оширишда аудитнинг тутган ўрни ва такомиллаштирилиши……	120
Базаров Д., Рофеев Д.Р.	Информационное значение отчета о денежных потоках: национальные и международные аспекты……..	122
Асланова Д., Норкулова Д.	Организационно-экономический механизм развития детского туризма……	132
Абдукаримов Б.А., Султонов Ш.А.	Хизмат кўрсатиш соҳасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик самарадорлигини ошириш йўллари……	135
Жўракулов Ш.Д.	Рекламанинг иқтисодий-ижтимоий муносабатларда тутган ўрни……	145
Абдукаримов Ф.Б.	Савдода самарадорликни ифодаловчи кўрсаткичлар ва уларни аниқлаш усуллари……	148
Раҳимов З.О.	Самарқанд шаҳри стратегик режасининг максад ва стратегияларини жорий қилиш механизми…..	160
Бердимуродов А., Усмонова Д.	Хизмат кўрсатиш соҳасида инвестицион жараёнлар самарадорлигини ошириш йўллари…	166
Султонова С. Джуракулов Ш.Д	Реклама ва унинг моҳияти……..	169
Тошназаров С.Н.	Молиявий бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини тартибги солишда меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар тизими……..	175
Раҳимов З.О.	Туризм дестинацияларини стратегик бошқариш ва режалаштириш жараёнлари……...	179
Қувондиков Ш.О, Пардаева О.М.	Оилавий бизнесни ривожлантиришнинг кўп омилли таҳлили……..	183
Аннаев М.Б., Асадов Б.	Касса операцияларининг моҳияти ва касса хўжалигини ташкил қилиш асослари……..	186
Асланова Д.Х., Саттарова З.И.	Возможности создания туристского кластера в самаркандской области……..	189
Аннаев М.Б., Эргашев Ж.	Меҳнат (иш) ҳақининг ҳисоб объекти сифатидаги тавсифи……..	191
Ахмеджанов А.Н.	Туризм соҳасида инновацион жараёнларнинг назарий масалалари……	194
Чоршанбаева Л.Р.	Проблемы молодёжного сегмента туризма и пути его развития……	197

Бахриева Р., Рофеев Д.Р.	Нефт маҳсулотлари инвентаризациясининг хусусиятлари……..	199
Мийлиев Ж.	Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида корхоналар иқтисодий салоҳиятини таҳлил килишнинг аҳамияти……	206
Хайдаров О. Абдусаломова М.	Роль семьи и образования в формировании и подготовке интеллектуально развитого поколения	210
Xudayberdiyev U, Haqberdiyev U.	Investitsiyaning iqtisodiy tarmoqlarni rivojlantirishdagi ahamyati……..	213
Шодиев Ш.	Инкироз оқибатларининг таъсири давом этаётган шароитда корхоналарда харажатларни тежаш йўллари……..	217
Нормуродов У., Шодиева Л.А., Абдуллаев З.М.	Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик - тараққиёт ва иқтисодиётни ривожланти-ришнинг муҳим омили……..	220
Очилов О.И., Холиқулов А.Н.	Молиявий инвестициялар самарадорлигини ошириш йўллари……	225
Хусенов С.У.	мустаҳкам оила – инсон капиталининг асосидир..	228
Худойбердиев У. Сиддиков У.	Енгил саноатнинг мамлакат иқтисодиётида тутган ўрни……	231
Уразов К.Б., Ибрагимов М.М., Абдуназаров Ҳ.Ш	АУДИТОРЛИК ХИЗМАТЛАРИ БОЗОРИ: моҳияти, таркиби, ривожланиш ҳолати ва муаммолари……	234
Абдуллаев Р. А.	Этапы развития аудиторской деятельности в Узбекистане……	245
Ғаппаров А.К.	Экологик туризмнинг моҳияти, максади ва вазифалари……	249
Жамолидинов С., Обидов А.А.	Мировой опыт применение различных наборов продвиженческих технологий на разных этапах информационного маркетинга ……..	253
Исломова Р.А.	Тарихий обидалар – экологик туризм объекти……	256
Собиров К.	Даволаш туризми салоҳияти……	258
Жамолидинов С. Обидов А.А.	Основные факторы и принципы формирования эффективных бизнес-коммуникаций в маркетинге банковских услуг……	259
Рахмонов Р.	"Темур тузуклари"да раиятдан мол-хирож олиш тартиби……..	265

университети профессори Г.С.Беккер инсон хулқ-атворига ўзига хос "иқтисодий ёндашуви" асосида ўзининг универсал методологик ёндашувини яратишга эришди. У инсон капиталига қуйидагича таъриф беради: "Инсон капитали – бу ҳар бир кишида мавжуд бўлган билим ҳазинаси, малака кўлами ва мотивациялар захирасидир. Инсон капиталининг жисмоний капиталдан фарқи шундаки, у алохида капитал тури бўлиб, унга ўхшаш ҳаракат қилади ва ишлаб чиқариш жараёнида такомиллашиб боради. Лекин унда қатор фундаментал тафовутлар ҳам мавжудки, улар орасида бу капиталнинг ўз соҳибидан ажралмаслиги асосий ўрин тутади. Инсон капиталининг жамғарилиши жисмоний капитал сингари катта харажатларни тақозо этади ва мураккаб инвестицион жараён билан боғликдир[3]".

Замонавий иқтисодий назарияда "инсон капитали" атамасининг "ҳар бир кишида мавжуд бўлган ва ишлаб чиқариш ҳамда истеъмолчилик максадларида фойдалана оладиган билимлар, куникмалар ва қобилиятлар захираси" деб эътироф этилади. У инсоний, чунки одамларнинг шахсиятига мужассамлашган ва у капитал, чунки, келажакда кутилаётган даромадлар ёки бўлмаса келажакдаги ўсиб бораётган эҳтиёжларни қондириш манбаасидир. Бошқача қилиб айтганда, инсон капитали одамларнинг шахсий қобилият ва истеъдодларини шаклллантириш ва ривожлантириш билан боғлиқ фаолияти учун "мукофот жамғармаси"дир, яъни шахс болалиги ва ёшлигидан камолотга етгунга қадар йиғилган билим, малака, кўникма ва барча қобилият ва истеъдодларини руёбга чиқариши эвазига келажакда меҳнат ва тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш жараёнида олиши мумкин бўлган индивидуал даромадлар манбаидир. Ундан ташқари, инсон капитали деганда инсонда жамланган қобилият, билим, малака ва мақсадлар захираси тушунилади. Унинг шаклланиши жисмоний ёки молиявий сармояни жамлаш сингари келгусида қўшимча даромад олиш мақсадида жорий истеъмолдан маблағларнинг ажратиб олинишини талаб этади. Инсон инвестицияларининг энг муҳим турларига таълим, ишлаб чиқаришга тайёргарлик, миграция, ахборот излаш, фарзанд кўриш ва уларни тарбиялаш киради[3]. Юқорида айтилган инсон капитали тўғрисидаги фикрлардан келиб чиқиб шуни айтиш мумкинки инсон капиталининг илк шаклланиши дастлаб оиладан бошланади. Шунинг учун оила фаровонлиги янги дунёга келган болани ҳар томонлама униб-ўсишига бевосита таъсир этади. Ана шундай ёш авлоднинг комил инсон бўлиб етишиши учун улар давлат бюджети томонидан 2 ёшгача, 16-18 ёшгача, яъни вояга етгунча маблағ билан таъминланади. Давлат томонидан сарфланадиган харажатлар оилани иқтисодий ахволидан келиб чиқиб белгиланади. Бу эса ўз навбатида оила аъзоларининг, айникса болаларнинг фаровонлигини оширишда оила масъулиятини ошириш, уларни ҳар томонлама жисмоний ва маънавий ривожлантириш, билим ва касб-ҳунар даражасини ошириш учун шароитлар яратишга имкон беради.

[3] Г.С.Беккер Человеческое поведение: экономический подход. Избранные труда по экономической теории: Пер. с анг. Сост., науч ред послес. Р.И.Капелюшников; предисл. М.И.Левин. –МГУ ВШЭ, 2003.- с.672
[3] Р.И.Капелюшников Теория человеческого капитала

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Болали оилаларни давлат томонидан қўллаб-қувватлашни янада кучайтириш тўғрисида"ги 1996 йил 10 декабрдаги ПФ-1657-сонли ва "Ахолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини аник йўналтирилган тарзда қўллаб-қувватлашни кучайтириш тўғрисида"ги 2002 йил 25 январдаги ПФ-3107-сонли Фармонларига мувофиқ 16 ёшгача болалари бўлган, шунингдек умумтаълим мактабларида, академик лицейларда ва касб-ҳунар коллежларида таълим олаётган 16 ёшдан 18 ёшгача болалари бўлган оилаларга нафақа тайинлаш ва тўлаш тартиби Низомда белгиланган. Унга кўра оилаларга нафақа:

- бир болали оилалар учун – энг кам ойлик иш ҳақининг 50 фоизи миқдорида;
- икки болали оилалар учун – 100 фоиз миқдорида;
- уч болали оилалар учун – 140 фоиз миқдорида;
- тўрт ва ундан кўп болали оилалар учун – 175 фоиз миқдорида белгиланади.

Ишлайдиган ва ишламайдиган оналарга бола икки ёшга етгунга қадар уни парвариш килганлиги учун ойлик нафақа тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги Низомга кўра, болани парвариш килиш нафақаси ҳар ойда, парвариш қилинадиган болалар – сонидан ва мазкур нафақани оладиган шахснинг меҳнат стажидан қатъий назар, 2003 йилдан бошлаб – Ўзбекистон Республикасида белгиланган энг кам иш ҳақининг 200 фоизи миқдорида белгиланади. Агар белгиланган тартибда нафақа белгиланган давр мобайнида энг кам ойлик иш ҳақи миқдори ўзгарса, нафақа миқдори энг кам ойлик иш ҳақи миқдори ўзгарган ойдан бошлаб тегишли равишда кўпаяди.

Бу маблағлар келажакда мамлакат ривожланишига ўзининг улкан ҳиссасини қўшадиган, янги дунёга келган авлоддаги индивидуал инсон капитали учун киритиладиган энг самарали инвестиция ҳисобланади.

ЕНГИЛ САНОАТНИНГ МАМЛАКАТ ИҚТИСОДИЁТИДА ТУТГАН ЎРНИ

У. Худойбердиев – СамИСИ доценти
Умиджон Сиддиқов – СамИСИ талабаси

Енгил саноат умумий истеъмол учун турли хомашёлардан маҳсулот ишлаб чиқарадиган махсус саноатнинг йирик бўғини ҳисобланади. Енгил саноат ЯИМ ишлаб чиқаришда катта аҳамият касб этади ва мамлакат иқтисодиётида мухим рол ўйнайди. Енгил саноат дастлабки хомашёни қайта ишлаш билан бир қаторда, аҳоли учун зарур бўлган тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш билан ҳам шуғулланади.

Енгил саноат корхоналари бундан ташқари мебел, авиация, автомобилсозлик, кимё, электротехник, озик-овқат ва саноатнинг бошқа тармоқларида, кишлок хўжалигида, транспортда ва соғликни сақлашда

Жаҳон амалиётида узоқ муддатга молиявий инвестицияларни киритиш кенг тарқалган бўлиб, бунда инвестицияларни дисконтлаштириш ва рентабеллигини аниқлашда инфляция даражаси муҳим рол ўйнайди. Чунки инфляция даражасини инобатга олмасдан сарфланган ҳар қандай маблағнинг даромад келтириш тавакқали юқори бўлади. Умуман олганда, корхоналар фаолиятларида мавжуд бўш пул маблағларидан самарали фойдаланиш, уларни инвестиция жараёнларига фаол жалб қилиш талаб қилинади. Бу эса ўз навбатида инвестициялардан олиниши кўзда тутилган фойдани тўғри аниқлаш ва бошқарув қарорларини қабул қилиш учун тегишли маълумотларга эга бўлиш ҳамда инвестицияларнинг рентабеллик даражасини аниқлаш мақсадида юқори сифатли таҳлил ўтказишни тақозо этади. Бизнинг фикримизча, корхоналар инвестиция фаолиятини амалга оширишда ва уларни таҳлил қилишда юқорида кўрсатилган формулалардан фойдаланишлари максадга мувофиқдир.

МУСТАҲКАМ ОИЛА – ИНСОН КАПИТАЛИНИНГ АСОСИДИР

С.У.Ҳусенов – СамИСИ стажёр-тадқиқотчи-изланувчиси

"...ҳам жисмоний, ҳам маънавий жиҳатдан етук, ўз мустақил фикрига эга, оқни қорадан ажратишга, тараққий топган давлатлардаги тенгдошлари билан беллашишга қодир бўлган баркамол авлодни тарбиялаш, уларнинг соғлигини асраш, ҳаётга йўллашда оиланинг ўрнини ҳеч нарса билан баҳолаб бўлмаслигини биз юксак қадрлаймиз

И.А.Каримов

Мамлакатимиз йилдан-йилга ривожланиб, ижтимоий-иқтисодий тараққиётининг турли жабҳаларида улкан аҳамиятга молик ютуқ ва натижаларга эришиб, жаҳон хамжамиятида тобора юксак мавкега эга бўлиб бормоқда. Бунда Ўзбекистон Президенти томонидан давлат ва жамият қурилиши борасида белгилаб берилган стратегик мақсадлар ва уларга босқичма-босқич эришиш бўйича аниқ ишлаб чиқилган вазифаларнинг изчил амалга оширилиши муваффақиятлар асоси бўлиб хизмат қилмоқда. Жумладан, ўтган йигирма йил давомида давлат дастурларини амалга ошириш, оилада соғлом ва баркамол авлодни тарбиялаш, ёшларнинг ижодий ва интеллектуал салоҳиятини рўёбга чиқариш учун зарур шарт-шароит ва имкониятлар яратиш ишларида фаол иштирок этиш давлат ва нодавлат ташкилот ходимларининг устувор вазифаси бўлиб келмоқда. Бу борада бугунги бўлаётган ўзгаришлар, айниқса Президентимиз И.А.Каримов томонидан 2012 йилнинг юртимизда "Мустаҳкам оила йили" деб эълон қилиниши фикримиз далилидир. Шу ўринда Президентимизнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 19 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида: "Янги йилга мана шундай ном беришимиз, азал-азалдан халқимиз учун мукаддас бўлмиш оилани ҳаётимиз таянчи ва суянчи, жамиятимизнинг ҳал қилувчи асосий бўғини деб қабул қилишимиз замирида, ҳеч шубҳасиз, жуда катта маъно-моҳият мужассам.

Чунки, оила соғлом экан – жамият мустаҳкам, жамият мустаҳкам экан – мамлакат баркарор"[1], - деб таъкидлаб ўтди.

Мамлакат ривожланишининг баркарорлиги кадрларнинг билим даражасига боғлиқ, ана шундай профессионал кадрларни етказиб берадиган бўғин оиладир. Шунинг учун оила жамиятнинг муҳим таянчи ҳисобланади. Маълумки, ҳар бир инсон оилада таваллуд топади ва илк тарбияни шу макаонда олади. Оилада соғлом муҳит фарзанднинг соғлом булишига бевосита таъсир кўрсатади. Оилада шахснинг ҳар томонлама етук баркамол бўлиб тарбияланиши учун унда зарур моддий, руҳий, маънавий, ахлоқий муҳит яратилган бўлиши лозим. Шундагина оила мустахкам ва баркарор бўлишига эришиш мумкин.

Оила жамиятнинг кичик ячейкаси сифатида соғлом ва фаровон бўлса, жамият тараққиётига ижобий таъсир кўрсатади. Шунинг учун мамлакат иқтисодиётини модернизация қилишни энг аввало оиладан бошлаш лозим. Оила инсон капиталининг асосидир, айнан инсон капитали мамлакат тараққиёти асосини ташкил этади.

Демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фукаролик жамиятини ривожлантириш, мамлакат иқтисодий ўсишининг асосий омили инсон капитали ва ундан самарали фойдаланишга боғлиқдир. Кўпгина дунё иқтисодчи олимларининг олиб борган тадқиқотлари шуни кўрсатадики, инсон капитали нафақат маълум бир оила, корхона учун, балки бутун жамият, давлат учун ҳам табиий ресурслар ёки тўпланган бойликларга қараганда энг қимматли манба хисобланарди. Бугун улкан заводлар, жихозлар ва ишлаб чиқариш захиралари эмас айнан инсон капитали мамлакат иқтисодий ўсиши самарадорлиги ва рақобатбардошлигининг энг мухим кўрсаткичи хисобланади. Чунки, ҳозирги инновацион иқтисодиёт "инсон капитали" назариясидан келиб чиқиб, яратувчанликнинг янгича шакли – инсоннинг ижодкорлик қобилиятларини ривожлантириш, амалиётда қуллаш натижасида бир катор ишлаб чиқаришларни юзага келтирмоқда.

"Инсон капитали" атамасини илк марта Т.Шульц 1960 йилда "Journal of Political Economy" If "Capital Formation by Education" номли илмий мақоласида илмий муомалага киритган эди[2]. 1963 йилда унинг инсон капитали назариясига оид биринчи дарслиги нашр этилди. Т.Шульцнинг фикрига кўра, инсон фаровонлиги ер, техника ёки уларни жисмоний жихатдан ишлатишга боғлиқ бўлиб қолмасдан, кўпрок унинг билимларига боғлиқ бўлади. У иқтисодиётнинг бу сифат жабҳасини "инсон капитали" деб номлади. Т.Шульц "инсон капитали" атамасига қуйидагича таъриф берган: "Инсон қобилиятларининг барчаси ёки туғма, ёки орттирилгандир. Ҳар бир одам ўзининг туғма қобилиятларига хос индивидуал ген мажмуи билан туғилади. Инсон томонидан орттирилган, муҳим ахамиятга эга бўлган, тегишли маблағлар сарфи ёрдамида қучайтирилиши мумкин бўлган қобилиятларни инсон капитали деб аталади". АҚШнинг Чикаго

[1] И.А.Каримов "Бизнинг йўлимиз-демакратик ислоҳотларни чуқурлаштириш ва модернизация жараёнини изчил давом эттириш йўлидир" Конституциянинг 19 йиллиги муносабати билан тантанали йигилишдаги сўзлаган нутқи. «Халқ сўзи» газетаси, 8 декабр, 2011 йил.

[2] Т.Шульц "Инсон капиталига инвестициялар" 1961,70 б.